



МЕТАФОРА ТАНЛОВИДА ТАБИЙ ВА ИЖТИМОЙ МУҲИТНИНГ ЎРНИ

Улугова Шохида Шохруховна,
СамДЧТИ таянч докторанти

Калит сўзлар: метафора, метафорик тафаккур, нутқ субъекти, концептуал, гендер, контекст.

Метафора маълум бир шахс, яъни муаллиф ёки нутқ субъекти томонидан яратилади. Когнитив тилшуносликда бу жараён бевосита лисоний тафаккур ижодкорлиги маҳсулоти сифатида талқин қилиниб, воқелик концептуаллашуви ва лисоний воқеланишининг намунаси сифатида қаралади. Зотан, Ковечнинг таърифича, ушбу ижодкорлик фаолияти бир вақтнинг ўзида метафоранинг шаклланиши ва ундан фикр ифодаси учун фойдаланиш ҳаракатларини қамраб олади [Kövecses 2010]. Бундай кенг меъёрдаги ёндашув метафора ижодига йўналтирилган тадқиқига имкон бериши билан бир қаторда, унинг айрим жиҳатларини алоҳида ёки маҳсус таҳлил қилишга ҳам йўл очади.

Шу жумладан, “Жейн Эйр” романи матнида фаоллашган метафорик тузилмалар ҳам у ёки бу турдаги концептуал метафораларнинг қайта ишланиши, яратилиши йўлидаги ҳаракат маҳсулидир. Бинобарин, уларнинг кўпчилиги “*knowing is seeing*” (билмоқ кўрмоқ демакдир), “*events are action*” (воқеа фаолият натижасидир), “*emotion is force*” (ҳиссиёт кучдир) каби фавқулудда намоён бўладиган концептуал қиёс натижаси бўлса, бошқалари эса “*life is a journey*” (ҳаёт саёҳатдир), “*a life time is a day*” (тириклик куннинг ўтишидир), “*people are plants*” (одамлар ўсимликка ўхшайди) сирасидаги ҳаммага таниш кундалик тажриба билан боғлиқ хулосалар замирида яратилади. Шу боис, ишимизнинг мазкур қисмида метафораларнинг маълум мулоқот муҳитида шаклланиши қандай когнитив амалларга таяниши ва умуман, метафорик ижодкорлик пойдеворида қандай сабаблар туришини кузатиш мақсади туради. Зотан,

лисоний тафаккур жараёнининг қандайдир бир ўз-ўзидан, ҳеч қандай сабаб ва асосиз кеча олишини тасаввур қилиш қийин.

Когнитив тилшуносликка оид адабиётларда инсон метафорали фикр юритганида, сўзлаётганида ўз тажрибасини умумлаштириш ва ундан фойдаланиш амалига мурожаат қилади. Аммо бундай талқин метафора ҳодисасининг табиатини фақат қисман англашга олиб келиши мумкин. З. Ковечнинг наздида, метафорик тафаккурнинг туб сабаблари аксарият ҳолларда контекст билан боғлиқлигини инкор этишнинг иложи йўқ [Kövecses 2006; Kövecses 2010]. Айтиш жоизки, контекст талаби ва шароитига мос равишда шаклланиш нафақат метафора, балки бошқа лисоний ҳодисаларнинг туб моҳиятини белгиловчи асосий хусусиятдир. Боз устига, З. Ковеч ва унинг издошлари бу хулосага турли манбалардан тўпланган материал таҳлили жараёнида эришганлар. Биз ҳам Шарлотте Бронтенинг ижодий фаолиятига мурожаат қилган ҳолда метафора ҳосил бўлишининг матн, воқелик баёни контексти билан боғлиқ жиҳатларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Тилшунослар кўпинча “контекст” тушунчасини тавсифлашда лисоний қуршовни назарда тутиб, у ёки бу бирликнинг бошқа бирор-бир бирлик билан ҳамроҳликда, ёнма-ён келишини эътиборга оладилар. Бундай ёндашув, ҳатто, тилшунослик терминлари луғатларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Давид Кристал тузган луғатда “context” терминига берилаётган таърифнинг тўртта маъносида ҳам лингвистик қуршов етакчи ўринга



кўйилган [Crystal 2005: 108-109]. Дарҳақиқат, контекстнинг маъно ифодаси учун муҳимлигини таъкидлаётган тилшунослар тил тизимининг ўзига хос хусусиятлари, унинг бирликлари бажарадиган вазибаларини белгиловчи қоидалардан узоқлашишлари қийин. Аммо нутқий тузилмаларнинг таҳлилида, айниқса, уларнинг коммуникатив мазмунини аниқлашда, ундан олдинги ва кейинги тузилмалардан ташқари мулоқот мавзусини белгиловчи кўрсаткичлар, унинг кечиш вазияти, суҳбатдошлар ўртасидаги муносабат, матн жанри, қолаверса, ижтимоий-маданий кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олиш зарурати туғилади. Ўз пайтида америкалик олим Бронислав Малиновски истеъмолга киритган “маданий контекст” (cultural context) термини эса мулоқотнинг қандай муҳитда кечиши муҳим эканлигига ишора қилади [қаранг: Swann and others 2004: 50]. Худди шунингдек, “вазият контексти” (context of situation) тушунчаси ҳам нутқий фаолият вазиятига, яъни мулоқот иштирокчилари маълум бир вазиятда қандай нутқий ҳаракатларни бажаришини тавсифлайди. Ж. Мартиннинг фикрича, “маданият барчага тушунарли бўлган ҳаракатлар воситасида тавсифланиши мумкин” [Martin 2001: 156].

Шундай қилиб, контекст тушунчаси, ижтимоий ва маданий муҳитдан ташқари, табиий-физик муҳит билан ҳам боғлиқ ҳолда қаралади. Атроф-муҳит ёки қуршов жуғрофий асосга эга бўлиб, атрофдаги манзара, фауна, флора, яшаш макони ва бошқа шу қабиларни қамраб олади ва сўзловчи уларга нисбатан ўз дунёқарашига эга бўлади. Олам лисоний манзарасида ўзига яраша ўрин топадиган бу объектлар маълум тилда ва ҳар бир сўзловчи шахс онгида ўзига хос тарзда акс топади. Атроф-муҳитдаги турли-туманлик тафаккурда шаклланган тушунчаларнинг лисоний воқеланишига таъсир кўрсатиши муқаррар. Чунки одамларнинг фаолияти атроф-муҳит хусусиятларига мос равишда кечади.

Атроф-муҳит ёки табиий муҳит контенти ҳақида гапирганда, одатда,

маълум тилда мулоқот юритаётган инсонлар атрофдаги жуғрофий, биологик-физик қуршов тушунилади. Турли миллат вакиллари яшайдиган табиий муҳитда фарқлар мавжуд бўлиши қутулган ҳол ва одамлар беихтиёр шу муҳитга мослашадилар. Бундай мослашув уларнинг мулоқот фаолиятида ҳам ўз аксини топиши аниқ. Турли тилларда ва турли муҳитда яшовчи шахслар, шу жумладан, ижодкорларнинг ҳам метафораларни шакллантириш қобилияти бир хил эмас. Масалан, “Жейн Эйр” романидаги қуйидаги парчани олайлик:

Reader, do you know, as I do, what terror those cold people can put into the ice of their questions? How much of the fall of the avalanche is in their anger? Of the breaking up of the frozen sea in their displeasure?... The avalanche had shaken and slid a little forward, but it did not yet crash down. [Chapter 35, 396].

Мазкур мисол Жейннинг Сент-Джон Риверсга бераётган ўта эмоционал руҳдаги жавобидир, чунки билдирган тақлифига рад жавобини олган Сент-Джон унга нисбатан совуқ муносабатда бўла бошлаган эди. Парчада етакчилик қилаётган концептуал метафораларни “EMOTION IS SUBSTANCE, EVENTS ARE ACTIONS, RATIONAL IS COLD” сифатида аниқлаш талаб қилинади.

Бу ерда метафорик кўчимнинг таянч ҳудуди (source domain) бўлган муз (ice), муз кўчкиси (fall of avalanche), денгиз муз қатламнинг ёрилиши (breaking up the frozen sea) қабилар бошқа ҳудудга ўтиб, совуқ муносабат, қаҳр, норозилик маънолари ифодаси учун хизмат қилмоқда. Натижада, асарнинг ўқувчиси Сент-Джон Риверснинг ҳақиқатдан ҳам хафа бўлганига ишонади.

Парчанинг бошланғич қисмидаги “the ice of question” бирикмаси Сент-Джон Риверснинг Жейнга нисбатан бўлган совуқ ва бефарқ муносабатнинг метафорик концептуаллашуви натижасидир. Бу метафора қисман инсон руҳиятини акс эттиради, чунки муз совуқ нарса ҳамда мулоқотдошлардан бирининг нохуш ва кўрс ҳаракатлари иккинчисига таъсир



қилади. Бу ерда муз ва ҳиссиёт ўртасида концептуал боғланиш юзага келади.

Худди шунингдек, “*fall of the avalanche is in their anger*” ва “*the breaking up of the frozen sea in their displeasure*” тузилмалари “EMOTION IS FORCE” метафорасининг ривожлантирилиши натижасидир. Ёзувчи олдиндан мавжуд манбанинг алоҳида бир узвини ноодатий усулда ривожлантириш воситасида ўқувчини воқеликни бошқача ҳис қилишга ундамоқда. Мазкур ҳолатда «куч» тушунчаси ўзига хос усулда “*fall of the avalanche*” ва “*the breaking up of the frozen sea*” тушунчалари орқали воқелантирилмоқда. Бу ўз навбатида, мулоқотдошга нисбатан бўлган жаҳл ва норозиликни ўқувчига аниқ етказиш воситасига айланади.

Лекин бундай манба ҳудудлари танланишининг сабаби нимада эканлигини билиш муҳим масаладир. Юқорида қайд этилганидек, метафоранинг шаклланишига туртки берувчи воситалар фақат инсон руҳияти билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бунда маълум муҳит ёки атроф-муҳит қуршовининг ўрни ҳам алоҳида. Табиий, физик қуршов ўзгариб туриши боис, мўлжал қилинаётган манбани танлаш ҳаракати турлича кечади. Англия орол эканлиги ва табиати ўзига хослиги маълум. Шу оролда яшаган Жейннинг метафорик ижодкорлиги айнан шу муҳитга мослашади, у салбий ҳиссиётларни ифодалаш учун ўзига таниш бўлган атроф-муҳитга, яъни океан, денгиз, муз кўчкиси кабиларга мурожаат қилиши табиий. Атроф-муҳитнинг метафора танловига таъсирини янада аниқроқ англаш учун бошқа муҳитда яшовчиларнинг метафорик қобилиятини қиёслаш мумкин. Масалан, ўзбек миллати вакилининг юқоридаги ўхшаш ҳолатда қиёс учун “*музлаган денгиз*”, “*муз кўчкиси*” каби тушунчаларни манба сифатида танлашини тасаввур қилиш қийин.

Романдан олинган яна бир парчани таҳлил қилиб кўрайлик:

A ridge of lighted heath, alive, glancing, devouring, would have been a great emblem of my mind when I accused and

menaced Mrs. Reed: the same ridge, black and blasted after the flames are dead, would have represented as meetly my subsequent condition, when half-an-hour's silence and reflection had shown me the madness of my conduct, and the dreariness of my hated and hating position [Chapter 4, 31].

Ушбу матн парчасида “ANGER IS FIRE” концептуал метафорасининг сингдирилиши давомида Жейннинг қаҳру ғазаби мўлжал сифатида олиниб, бу ҳолат ёнғин ёки оловга қиёсланмоқда. Зеро, унинг руҳий ҳолати чексиз даштга муқобил ва ғазабли эҳтироси лов этиб ёнган оловнинг чўққисини эслатади. Олов аввал аста-секин ёниб бошлайди ва бу ҳолатнинг “*alive*” (тирик) сўзи билан сифатланиши воқеликнинг фаоллигидан дарак бериб, жаҳл ҳиссиёти туғилишини метафорик ифодасини ҳосил қилади. Олов биров кейинроқ дадил ёнади ва “*glancing*” сўзининг ишлатилиши жаҳлнинг янада кучайиб бораётганига ишора қилади. Ниҳоят олов бутунлай авж олиб, назоратдан четга чиқади ва бунда “*devouring*” (ямламоқ, қомига тортмоқ) бирлигидан фойдаланиш ғазабнинг чегарадан чиқиш, портлаш ҳолатининг метафорик концептуаллашуви намунасидир. Шу метафорик тузилмалар қаторидан ўрин олган “*black and blasted*” бирикмаси эса олов ўчгандан сўнгги ҳолат тасвирида жаҳл тушгандан сўнг руҳий кечинмалар, персонажнинг тушкунликка тушишига ишора қилади.

Эслатилган “ANGER IS FIRE” концептуал метафорасининг Жейн, аниқроғи, уни прототиби бўлган Ш. Бронте яшаган табиий муҳит ва шароитни акс эттиради десак, хато қилмасак керак. Бронтелар оиласи умргузаронлик қилган Ҳаворт Пеннин ўтлоқлари ўрталигидаги Уорт водийсида жойлашган. Ўтлоқлар ҳам дашт каби чексиз. Шарлотте Бронте ижодини ўрганган америкалик адабиётшунос Л. Миллернинг ёзишича, Ҳаворт “афсонавий зиёратгоҳ кўринишига эга ва у шамол тинимсиз эсиб турадиган чексиз ўтлоқнинг ўртасида жойлашган романтик макондир” [Miller 2003: 40]. Бошқа кўпгина адабиётчилар ҳам



Бронтеларга илҳом бағишлаган бу маконнинг сеҳрли қувватга эғалигини қайд этишган. Бунда мисол тариқасида Эмили Бронтенинг “Wuthering Height” романини келтириш мумкин. Катерин (Catherine) номли аёл ва Хитклифф (Heathcliffe) номли эркак ўртасидаги муносабат ҳақида ҳикоя қилувчи бу романда тасвирланаётган воқеалар айнан Хаворт яқинидаги ўтлоқ ва бўтқоқликлар куршовида бўлиб ўтади.

Табиий атроф-муҳит контекстининг бошқа бир турида воқеа ёки суҳбат кечаётган вазиятнинг бевосита моддий куршови етакчи ўринга чиқади. З. Ковечнинг қайдича, моддий воқеа-ҳодиса, предметлар яшаш учун муҳит яратибгина қолмасдан, балки тафаккур ҳаракатларига ҳам таъсир қилади. Бундан ташқари, шоир ёки ёзувчи ўзини қуршаб турган табиат, муҳитни баён қилиши ва шу муҳитдан концептуал манба сифатида фойдаланиши мумкин [Kövecses 2010]. Баъзан эса, атрофдаги табиий муҳит метафорик кўчим учун мўлжал вазифасини бажариши ҳам кузатилади. Табиий-моддий контекстдан бу йўсинда фойдаланишнинг намунасини куйидаги ҳолатда кўриш мумкин:

The thought of Mrs. O’Gall and Bitternutt Lodge struck cold to my heart; and colder the thought of all the brine and foam, destined, as it seemed, to rush between me and the master at whose side I now walked, and coldest the remembrance of the wider ocean – wealth, caste, custom intervened between me and what I naturally and inevitably loved [Chapter 23, 239].

Жейннинг туйғуларига нисбатан қизиқиш ва ишончсизлик Эдвард Рочестерни Жейнни тўғриси айтишга ундаш йўлини излашга мажбурлайди. У ёлғондан тезда мисс Бланш Ингрэмга уйланиши ва Жейн келажакда нима билан машғул бўлиши масаласини ҳал қилганлигини, яъни у Исландияга кетиши ва О.Галлнинг фарзандларига тарбиячилик қилишини маълум қилади. Ирландияни Буюк Британиядан денгиз ажратиб туради ва худди шу контекст океан фрейми фаоллашувига туртки бўлади, ҳамда Жейнга бойлик ва табақа тўсиғи (barrier of

wealth and caste) ҳақида гапириш имконини беради (бу тўсиқ Жейн ва Рочестер ўртасида турар эди).

Бизнингча, матндаги “*intervene between*” иборасига таянган ҳолда, юқоридаги фрейм доирасида “SOCIAL GAP IS PHYSICAL DISTANCE AND BARRIER” концептуал метафораси фаоллашаётганини қайд этиш мумкин. Бу ерда манба вазифасини ўтаётган “*масофа*” (distance) ва “*тўсиқ*” (barrier) тушунчалари “*бепоён океан*” (wider ocean) тушунчаси ёрдамида ривожлантирилмоқда. Бундай лисоний тафаккур амалининг қўлланиши суҳбат давомида эслатилган моддий муҳит билан боғланади ва сўзловчини шу муҳитга мос келадиган метафорик ифодани танлашга ундайди.

Кейинги боблардан бирида фаоллашаётган метафорик тузилманинг мазмуний тузилишига эътиборни қаратамиз:

The sweet wind from Europe was still whispering in the refreshed leaves, and the Atlantic was thundering in glorious liberty; my heart, dried up and scorched for a long time, swelled to the tone, and filled with living blood – my being longed for renewal- my soul thirsted for a pure draught. I saw hope revive [Chapter 27, 295].

Келтирилган парчада марказий ўринни “*heart dried up*” тузилмаси эгаллайди. Бу контекстда инсоннинг юраги (қалби) қуриб қолган дарёга ўхшатирилмоқда. Гапнинг тўлиқ мазмунини қуйидагича тушуниш керак бўлади: Рочестер Ғарбий Ҳинд оролини тарк этмоқчи, чунки бу оролда уни жонига тўйдирган, ҳаётини дўзахга айлантирган Берта Мейсонга уйланган эди. Бу мияси айниган хотин Рочестерни бўғиб ташлаб, юрагини тамом қилган эди, унда ҳаёт қони қарийб оқишдан тўхтаган. Демак, бу контекстда “HEART IS A CONTAINER” концептуал метафораси фаоллашмоқда, зеро, ақидага биноан, юрак ишлаши учун ундаги қон ҳаракатда бўлмоғи даркор. Лекин умумий метафора турли усулларда ривожланиши ва воқеланиши мумкин. Бинобарин, эслатилган умумий метафоранинг биз таҳлил қилаётган



умумий метафоранинг “*the heart of dried-up river*” ҳамда “*scorched and thirsted for a pure draught*” тузилмалари воситасида лисоний воқелантирилганлигининг сабабини бевосита баён контекстидан излаганимиз маъқул.

Навбатдаги матн парчаси таҳлиliga ўтаммз:

It is - that he asks me to be his wife, and has no more of a husband's heart for me than that frowning giant of a rock, down to which the stream is foaming in yonder gorge. He prized me as a soldier would a good weapon, and that is all [Chapter 34, 389].

Джон ҳазратлари Жейндан унга турмушга чиқишни ва ҳамроҳликда Ҳиндистонга кетишни сўрамоқда. Ушбу таклифнинг сабаби севги эмас, балки миссионерлик вазифасини бажаришда ёрдамчига муҳтожлик эканлигини, ҳазратнинг хотини сифатида ёнида бўлиш уни ҳар қуни руҳан азобланишга олиб келишини билган Жейн рад жавобини беради. Тўғри, Жейнда бироз бўлса-да умид бор ва турмушга чиқиш мумкинлигига ўзини ишонтирмоқчи, лекин бундай бўлмаслигини охир-оқибат фаҳмлайди. Фаоллашаётган концептуал метафора “EMOTIONAL EFFECT IS PHYSICAL CONTACT” мазмунида кўриниш олади. Бундай мазмун шаклланишида қоянинг сири севгисиз муносабат доирасига кўчирилган. Бу ерда ҳам табиий муҳит метафорик кўчимга туртки берган: узоқдаги тор дарада улкан қоя оқимга тесқари турибди.

Номинатив ва коммуникатив бирликлар шаклланишида ижтимоий-маданий омилларнинг роли тадқиқотчилар диққатини жалб қилиб келмоқда [Резанова 2003: 41]. Сўзсиз ижтимоий омилларнинг кўлами кенг, бу қаторга тил соҳибларининг миллати, ёши, маълумот даражаси, жамоада тутган ўрни, касби кабилар қиради. Социоллингвистика ва прагмаллингвистикага оид адабиётларда ушбу кўрсаткичларнинг мулоқот шароитида ўйнайдиган роли борасида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Психоллингвист В.П. Беляниннинг кўрсатишича, “бадий матнда акс топган

оламнинг манзараси муаллифнинг оламини алоҳида шахс сифатида идрок этиши ва лисоний воқелантириши маҳсулидир” [Белянин 2000: 55]. Ҳар қандай шахснинг маълум бир гуруҳга тегишли эканлигини инобатга оладиган бўлсак, жинс омили ҳам социал контекстнинг ажралмас қисми бўлишини эътироф этмоқ лозим. Гендер маданий, психологик, ижтимоий меъёрлар учрашувида ҳосил бўладиган ҳодиса сифатида намоён бўлишини таъкидлаган Н.З. Насруллаеванинг фикрича, “гендер тушунчаси ижтимоий характерга эга бўлиб, у эркак ва аёл стереотиплари воқеланишини акс эттиради” [Насруллаева 2018: 28].

Аёл ва эркак жинсларига оид кишиларнинг лисоний ҳаракатлари ва нутқий фаолияти ҳар доим ҳам мос келавермаслиги тилшунослар томонидан таъкидланган ва бундан уларнинг метафоралар яратиш ва улардан дискурсив фаолиятда фойдаланиш қобилияти ҳам истисно эмас. Бунинг ёрқин мисолини Стэнли Брандеснинг “*Metaphors of Masculinity*” номли китобида кўришимиз мумкин. Испаниянинг Андалузия вилоятида тарқалган оғзаки ижод намуналари билан танишган муаллиф ерли аҳолининг эркак жинсидаги вакилларининг асосий интилишларидан бири ўзларининг нима жиҳати билан аёлларга ўхшаши ёки улардан фарқ қилишини билишдир. Бунга эришишнинг йўлларида бири фольклор намуналарига, айниқса, улар таркибидаги метафораларга муурожаат қилиш экан [Brandes 1992: 8].

Биз тўплаган материалда ҳам эркак ва аёлнинг метафорик қобилиятидаги фарқлар кузатилади:

а) *The water stood in my eyes to hear this avowal of his dependence; just as if a royal eagle, chained to a perch, should be forced to entreat a sparrow to become its purveyor. But I would not be lachrymose: I dashed off the salt drops, and busied myself with preparing breakfast* [Chapter 37, 423].

б) *“I am no better than the old lightning-struck chestnut-tree in Thornfield orchard, - he remarked ere long. “And what*



right would that ruin have to bid a budding woodbine cover its decay with freshness?"

"You are no ruin, sir—no lightning-struck tree: you are green and vigorous. Plants will grow about your roots, whether you ask them or not, because they take delight in your bountiful shadow; and as they grow they will lean towards you, and wind round you, because your strength offers them so safe a prop" [Chapter 37, 428].

Кўринадики, юкоридаги парчаларда хайвон ва ўсимликларга ўхшатиш метафоралари фаоллашмоқда. Лекин Рочестер Жейни кўзичок, куш, тўрғай, гул, бешбарглига (lamb, bird, skylark, flower, woodbine) киёсласа, ўзини эса чўпонга ёки каштан дарахтига ўхшатмоқда. Жейннинг жавобида кўлланилаётган метафоралар бошқачароқ манбага эга. У Рочестерга бургут ва дарахт сифатларини бераётиб, ўзига чумчуқ (sparrow) ва чечак (woodbine) ўхшатишларини сақлаб қолди. Бундай тусдаги метафораларнинг пайдо бўлиши жамиятда эркак ва аёлнинг ижтимоий мақоми турлича баҳоланишидан хабар беради. Бошқача айтганда, хотин-қизларнинг нозик табиатлиги улар ҳақидаги тасаввурга, идрок кўламига кўчади. Бу эса, ўз навбатида, олам манзарасининг метафора воситасида концептуаллашиш жараёнида ўз аксини топади.

Биз нутқий фаолиятимизда метафоралардан фойдаланар эканмиз, уларни мулоқот кечаётган ижтимоий шароитга мослаштиришга ҳаракат қиламиз. Ижтимоий муҳитнинг турли кўринишга эга бўлиши қайд этилди, бу муҳит суҳбатдошлар ўртасидаги муносабат, яқинлик меъёрлари билан белгиланиб, турли ижтимоий шароитларда ўзаро алоқага киришаётган шахсларнинг гендер мақомигача қамраб олади. Ушбу ижтимоий муносабатлар билвосита ва бевосита контекстларда намоён бўлиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

Бевосита ижтимоий муҳитнинг метафора танловига таъсири, асосан, оғзаки мулоқот шароитида кузатилиб, бадий матнларда бирмунча кам учрайди.

3. Ковечнинг мақоласида "USA TODAY" газетасидан олинган бир мисол келтирилган. Газетада тошқинлар авж олган Нью Орлеанда истиқомат қилаётган машҳур мусиқачи Фатс Домино ҳақида мақола босилган бўлиб, унда Доминога куйидаги тавсиф берилган: *"The rock'n'roll pioneer rebuilds his life- and on the new album "Goin' Home" his timeless music"* [USA Today, 2007, September 7]. 3. Ковеч *"rebuilds his life"* метафорасини "LIFE IS A BUILDING" концептуал метафорасининг ривожланиш рамзи деб ҳисоблайди. Концептуал асос нега айнан шу семантик ўхшатиш эканлиги, олимнинг фикрича, интервью олинаётганида Домино 2005 йилги довул пайтида вайрона бўлган уйини қайта қураётгани билан боғлаш мумкин [Kövecses 2010: 683].

3. Ковечнинг ушбу изоҳига ишонадиган бўлсак, ижтимоий вазият, яъни уйнинг қайта қурилиши "LIFE IS A BUILDING" метафораси янги метафора ривожига концептуал асос хизматини ўтаганлигини эътироф этишга мажбурмиз.

Бевосита ижтимоий муҳитнинг метафора танловидаги ўрнини изоҳлаш учун "Жейн Эйр" асари матнидан бир мисолни келтирамиз:

The forehead declares, Reasons sits firm and holds the reins, and she will not let the fillings burst away and hurry her to wild chasms [Chapter 19, 190].

Бу ерда образли ифода марказий "EMOTION IS A CAPTIVE ANIMAL" концептуал метафораси атрофида қурилганлигини кўрамиз. Метафорик тузилманинг мазмуни "ҳис-ҳаяжон" назоратига уриниш қамровдаги хайвон назоратига тенгдир. "Қамровдаги хайвон" (янада аниқроқ айтадиган бўлсак - "асов от") тушунчасининг метафорик концептуаллашуви бевосита муҳит билан боғлиқ. Маълумки, романда ҳикоя қилинаётган воқеалар XIX аср Британиясида кечган ва ўша даврда бу юртда асосий транспорт воситаси от кўшилган арава эди. Худди шу хайвон Рочестерга метафорик тафаккур юритиш учун туртки беради.



Хатти-ҳаракати фолбин лўли хотинга ўхшаб кетаётган Рочестер ўз суҳбатдоши Жейннинг келажаги ҳақида башорат қилаётиб, уни ўз ҳиссиётлари ҳақида очиқ-ойдин гапиришга ундамоқда. От чоптириш фрейм қолипидан фойдаланиш йўли билан Рочестер Жейннинг мустақил, ўзига ишонч ва катъиятли характерининг асл моҳиятини англаб олиш ниятида. Жейн эса, ҳиссиётга берилишдан кўра ўзини оқилона назоратида кўришни ёқтиради. Бундай оқилоналик метафорик жихатдан отни хайдаётган аравакашга ўхшатишмоқда. Аравакашнинг вазифаси асовлик

кўрсатаётган от ҳаракатларини назорат қилишдир. Мабода от (ҳиссиёт) назоратдан чиқса, аравани хавфга судрайди. Бу сифат метафоранинг шаклланиши бевосита муҳитдан ташқари, сўзловчининг, яъни Рочестернинг ҳислатлари билан ҳам боғлиқ. Биламизки, романнинг асосий персонажларидан бўлган бу шахс - етарлича мулкка эга бўлган аристократлардандир. Бадавлат аристократлар дам олишга кўп вақт ажратишган, отда сайр қилишиб, хордиқ чиқаришган. Демак, мазкур метафоранинг танланиши табиий ва шароитга мос келади.

Адабиётлар

1. Brandes S. *Metaphors of Masculinity. Sex and Status in Andalusian Folklore.* – Pennsylvania: University of Pennsylvania Press, 1992. – 236 p.
2. Crystal D.A *Dictionary of Linguistics and Phonetics.* – L.: Blackwell, 2008. – 529 p.
3. Kövecses Z. A New look at metaphorical creativity in cognitive linguistics // *Cognitive Linguistics.* Vol. 21(4), 2010. – pp. 655-690.
4. Kövecses Z. *Language, Mind and Culture. A practical introduction.* – New-York: Oxford University Press, 2006. – 416 p.
5. Martin J.R. *Language, Register and Genre.* In: Burns A. and Cofin C. (Eds.). *Analyzing English in Global Context.* – L. Routledge, 2001. – pp. 151-176.
6. Miller L. *The Bronte Myth.* – New-York: Alfred A. Knopf, 2003. – 320 p.
7. Swann J., Deumert A., Lillis T., Mesthrie R. *A Dictionary of Sociolinguistics.* – Edinburgh, UK: Edinburgh University Press, 2004.
8. Белянин. В.П. *Основы психолингвистической диагностики. Модели мира в литературе.* – М.: Тривола, 2000. – 248 с.
9. Насруллаева Н.З. *Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши. Филол. фанлари докт. диссертацияси автореф-т...* – Тошкент, 2018. – 70 б.
10. Резанова З.Н. *Метафора в процессах миромоделирования // Метафорический фрагмент русской языковой картины мира: ключевые концепты. Ч.1.* – Воронеж, РИЦ ЕФВТУ, 2003. – С. 13-75.

Улугова Ш. Роль природы и социальной среды в выборе метафоры. В статье исследуется, как формирование метафор в конкретной коммуникационной среде опирается на когнитивные практики и, в целом, на основные причины метафорического творчества. Действительно, трудно представить проявление процесса лингвистического мышления не обоснованного на определенные причины.

В литературе по когнитивной лингвистике речь идет о практике обобщения и использования своего опыта при метафорическом мышлении и речи. Однако такое толкование может привести лишь к частичному пониманию природы метафоры. Стоит отметить, что формирование контекстуальных требований и условий является не только метафорой, но и ключевым признаком, определяющим сущность других языковых явлений.

Ulugova Sh. The role of natural and social environment in choice of metaphors. The article explores how in a specific communication environment the formation of metaphors is based on cognitive practices and, in general, on the main causes of metaphorical creativity. Indeed, it is



difficult to imagine a manifestation of the process of linguistic thinking not justified for certain reasons.

The literature on cognitive linguistics refers to the practice of generalizing and using one's own experience in metaphorical thinking and speech. However, such an interpretation can only lead to a partial understanding of the nature of the metaphor. It is worth noting that the formation of contextual requirements and conditions is not only a metaphor, but also a key feature that determines the essence of other linguistic phenomena.